



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 26 ноябрь, № 244 (8867)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИ: МОДЕЛЛАР ҚАТОРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга автомобиль саноатида қилинаётган ишлар ва 2025 йилга мўлжалланган режалар ҳақида ахборот берилди.

Мамлакатимиз саноатида автомобилсозлик улуши 10 фоизни ташкил этади. Ўтган ўн ойда 338 мингта энгил автомобиль ишлаб чиқарилган. 1 минг 400 турдаги бутловчи қисмлар маҳаллийлаштирилган. Иқтисодий чоралар натижасида соҳада таннарх 4 фоиз камайган. Экспорт 455 миллион доллар бўлган.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти раиси олдиндаги режалар ва вазифалар юзасидан ахборот берди.

Келаси йил 450 мингта автомобиль ишлаб чиқариш ва экспортни 700 миллион долларга етказиш мақсад қилинган. Худудий корхоналар билан кооперацияни кучайтириб, маҳаллийлаштиришни ошириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган. Хусусан, 700 та детални ўзлаштириш бўйича 325 миллион долларлик 63 та лойиҳа амалга оширилади.

Ў.А.

ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК – МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Кеча Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро куни ва “Зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракат” тадбирлари доирасида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Тадбирда Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари ва ОАВ ходимлари қатнашди.

Қайд этилганидек, бу каби тадбирларни ўтказишдан қўзғалган асосий мақсад мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш, бу борада кенг жамоатчилик вакиллари, мутахассислар, халқаро ташкилотлар ва бошқа шу соҳага алоқадор мутахассислар фикрларини ўрганиш, давлат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида барча саъй-ҳаракатларни бирлаштиришдан иборатдир.

Бу борада Ўзбекистонда кенг қўллами ишлар олиб борилаётган. Буни давлатимиз

раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли “Инсон ҳақлари учун” тамойили асосида зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш чоралари кўриб келинаётганини мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева томонидан мамлакатимизда қисқа муддатда амалга оширилган ишлар ва ушбу йўналишдаги долзарб вазифаларни кўриб келинаётганини мисолида ҳам кўриш мумкин.

Анжуманда гендер зўравонлигининг ижтимоий оқибатлари, унинг олдини олишга қаратилган миллий ва халқаро тажриба ҳамда қонунчилик доирасида эришилган натижалар ва истиқболдаги вазифалар ҳам кенг муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ДАВРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, пахта ва галла ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклифлар тақдими билан танишди.

Давлатимиз раҳбари яқинда бўлиб ўтган парламент мажлисидаги нутқида аҳоли сони кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифа эканини таъкидлади.

Ҳақиқатан, юртимиз аҳолиси йилига қарийб 1 миллион нафарга ўсиб бораётган. Ер ва сув манбалари эса чекланган. Шу боис ички бозор барқарорлигини омиқорлик ва ҳосилдорлик орқали таъминлаш мумкин.

Тақдиротда қишлоқ ҳўжалиги вазири шу борадаги режаларни баён этди.

Келгуси йил 4 миллион 800 минг гектарда экинлар етиштириш мўлжалланган. Шундан 2 миллион гектардан зиёд ерда мева-сабзавот, картошка, дуккакли ва полиз маҳсулотлари экилади. Уларнинг далаларда жойлаштирилиши ва ҳосилнинг захирага жамлиниши мониторинг қилиб борилади.

Хусусан, аҳолига бирламчи зарур

бўлган 10 турдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг тизимли ҳисоб-китоби юритилади. Бунда ҳар бир туман кесимида қандай маҳсулот етиштирилиши ва ички бозор учун қанча захира қилиниши мужассам бўлади.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 260 минг гектар ер 800 минг аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб берилган эди. Шунингдек, Сайхунобод тажрибаси асосида томорқаларда маҳсулот етиштириш қўллаб-қувватланмоқда. Бу одамларни, айниқса, ёшларни иш ўрни ва даромад билан таъминлашда тўғри йўл бўлганини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Шунингдек, бу қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўп етиштирилиб, уларнинг нархи кескин ошиб кетмаслигида муҳим омил бўлди.

Энди бу ишларнинг сифатини ошириб, ажратилган ерлар ва томорқалардан унумли фойдаланиш, аҳолига илмий ва амалий жиҳатдан қўмаклашиш

зарур. Бундан ташқари, туманларнинг ўзи қишлоқ ҳўжалигига грант ва техник қўмаклар жалб этиши, илгор технологияларни қўллаш талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари хорижий тажрибани ўрганиб, картошкачилик тизимини такомиллаштириш ва ҳосилдорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Ўтган йилги қишда 9 минг гектар боғ ва 4 минг гектар узумзорни совуқ урган эди. Оқибатда 207 минг тонна ҳосил нобуд бўлди.

Президентимиз бундай об-ҳаво шароитларида деҳқонлар кўрган зарарининг олдини олиш бўйича топшириқ берган эди. Шунга мувофиқ хорижий мутахассислар билан бирга “Қишлоқ ҳўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унинг қабул қилиниши деҳқон ва фермерларнинг иқтисодий ҳимоясини таъминлайди.

Сиёсий партиялар фракцияларида

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Муҳокамаларда асосий эътибор қонун лойиҳаларининг долзарб аҳамиятга эгалиги, аҳоли манфаатлари кафолатига қаратилиб, уларни янада такомиллаштириш, пишиқ-пукта ҳолатга келтиришга оид муҳим таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қоладиган солиқ тушумлари кўпайтирилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида 2025 йил учун асосий солиқ ставкаларини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш орқали даромадлар базасини кенгайтириш, солиқ, божхона ва бюджет сиёсатини босқичма-босқич Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига уйғунлаштириш кўзда тутилмоқда.



Шунингдек, 2025 йилда маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш учун улар ихтиёрида қоладиган солиқ тушумларини кўпайтириш режалаштириляпти. Бунда 2025 йил 1 январдан айланмадан олинadиган солиқ, юридик шахслардан олинadиган мол-

мулк ва ер солиғи, давлат активлари иjarасидан тушадиган тушумлар ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тушумларининг камида 50 фоизгача қисми туман (шаҳар)лар бюджетларига қолдирилади.



БУЮК МАҚСАДЛАР НАТИЖАСИНИ БУГУН АМАЛДА КЎРЯПМИЗ

Юртимиздаги улкан ўзгаришлар, юртдошларимиз онгу тафаккуридаги янгилианишлар ва уларнинг жаҳоний эътирофларидан қанчалик ғурурлансак кам

Бир эсга олайлик, Шавкат Мирзиёев Президент сифатидаги фаолиятининг илк кунларида ноқ ҳалқнинг ҳокимиятга бўлган ишончини тиклаш масаласини ўзининг энг асосий вазифаларидан бири этиб белгилганида ҳамда фикр ва сўз эркинлигига йўл очиб, бу ишни пастдан, оддий халқ орасидан бошлашга қарор қилганида барча ютуқларимизнинг бош омили пайдо бўлганини, янги ҳаётимизни барпо этиш, учинчи Ренессансининг мустаҳкам пойдеворини қуриш бундан буён ҳаёт тарзимизга айланишини тасаввур ҳам қилолмас эдик.

Акс садо

Тарихдан аёнки, халқнинг иштироки-сиз амалга оширилган ҳар қандай ислохот муваффақиятсиз яқунланади. Одамларнинг дунёқарашини ўзгартирмай туриб, жамиятни янгилаб бўлмаслиги ҳам кундай равшан. Шу маънода, Президентимизнинг ҳар бир саъй-ҳаракати, ташаббус ва гоилари замирида халқимизни рози қилиш, йиллар давомида одамларни қийнаб келган муаммоларни ҳал қилишдек эзгу ва хайрли мақсадлар мумжассам. Шу боис одамларнинг талаб-истакларини рўёбга чиқариш, уларни

эшитиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш янги сиёсатнинг муҳим йўналишига айланди.

Мана, орадан санокли йиллар ўтиб, мамлакатимиздаги ўзгаришларни нафақат биз, халқимиз, балки хорижликлар, сиёсатчию таҳлилчилар — халқро ҳам-жамият ҳам сезмоқда, эътироф этмоқда.

Германиялик сиёсий шарҳловчи, “Berliner Zeitung” нашри Геосиёсат бўлими раҳбари Томас Фасбендернинг сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов билан суҳбатини катта қизиқиш ва ҳаяжон ила ўқир-

канман, кўнглимдан юқоридаги фикрлар кечди.

“Халқ сўзи” газетасининг 19 ноябрь сониде эълон қилинган “Ўзбекистондан “Янги Ўзбекистон”гача: йўқотилган қалбни излаб...” сарлавҳали ушбу мақолада мамлакатимизнинг яқин ўтмиши, бугуни, келажаги ва минтақадаги сиёсий эврилишлар ҳақида сўз боради. Шу аснода Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, халқпарвар ва миллатпарвар сиёсати, шунингдек, минтақа микёсида-

ги ташаббуслари ва уларнинг натижалари теран таҳлил этилган.

Мақолани ўқиймиз — дастлабки саволда шундай дейилади: “...Ҳозир сиздан сўрамоқчи бўлган нарсаси олмас ўтмиш ҳақида эмас, балки бу ўлканинг бугуни, мамлакат ва жамиятнинг мустақиллиқдан кейин ҳам ўзини ўнглаб олиши қийин кечгани, сиёсий элита зехнати, айниқса, жамият тафаккурида совет давридагиданда хавотирли тургунлик ҳукм сургани ҳақида...”

Ушбу саволга жавобнинг мухтасар қисми шундай: “...мустақиллиқнинг ўтган 25 йиллик даврида миллий давлат ва миллат қуриш ишларига жиддий қаралмади. Ва айна шу сабабларга кўра, кўпчилик таҳлилчилар Ўзбекистонда ўтиш даври амалга ошган 2016 йилнинг сўнгиде “...Мирзиёевга оғир сиёсий ва иқтисодий мерос қолди” деган фикрга келганларида, мутлақо ҳақ эдилар...”



Муносабат

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Сир эмас, бугунги кунда табиат бойлиқларини асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш инсоният олдида турган долзарб масалалардан бирига айланиб улгурди. Энг ёмони, ҳозирги иқлим ўзгаришлари ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси ва чўлланишини кучайиши, биохимил-хиллик, ер ости бойлиқлари ва ўрмонларнинг камайиб бориши табиий мувозанатга ва одамлар саломатлигига жиддий зарар етказмоқда.

Тирик мавжудот ҳаётида атмосфера ҳавоси аҳамияти жуда катта бўлиб, у инсонлар томонидан муҳофаза қилиниши, шаффоф ва тоза сақланиши лозим. Негаки, у тириклигимиз манбаидир. Инсон сувсиз 4-5 кун, овқатсиз 2 ҳафта яшаши мумкин, ҳавосиз 3-4 дақиқадан кўп яшай олмайди. Шунга қарамайдан айна пайтда инсониятнинг

атроф-муҳитга салбий таъсири тобора кучайиб бормоқда. Натижада эса ҳаёт доимийлигини таъминлайдиган табиий мувозанат бузилиб, Ер юзасининг кўплаб ҳудудларида ноқулай экологик шароит пайдо бўлмоқда, маҳаллий, минтақавий ва глобал даражадаги экологик муаммолар буй кўрсатмоқда.



Тахририятга мактуб

АЧЧИҚ ТАНҚИДНИНГ ШИРИН МЕВАСИ

Газетамизнинг шу йил 18 сентябрь куни чиққан 192-сониде “Қоп-қоп ваъдалар берилмоқда, бироқ...” сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақола эълон қилиниб, унда Бухоро вилояти кўзи оғизлар махсус кутубхонасининг Шофиркон тумани филиалида ўз ечимини кутаётган муаммолар баён этилган эди. Куни кеча тахририятимизга Бухоро вилояти кўзи оғизлар махсус кутубхонаси директори А. Ўроқов номидан мактуб келди.



Унда мазкур мақола чоп этилганидан сўнг зиёе масканига Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Б. Шахриёров ташириқ буюриб кутубхонадаги аҳолини кўздан кечиргани ва камчиликларни жойида бартараф этиш мақсадида ишчи гуруҳ тузилгани ҳақида айтилади.

Хатда таъкидланишича, орадан кўп ўтмай гуруҳ ишга киришган. Кутубхонанинг том қисми шифер билан қопланган. Бино кўча томони олд қисми таъмирланиб, оқланган. Хоналарнинг поллари мустаҳкам ҳолга келтирилган.

“Бир сўз билан айтганда, бизни ташвишлантириб келаётган кўп иллик муаммо ечимини топди, — дейди хат муаллифи. — Бунинг учун “Халқ сўзи” газетаси тахририятига жамоамиз номидан миннатдорлик билдирамиз”.

Хатда, шунингдек, газета тахририяти жойлардаги муаммо ва камчиликларга муросасиз муносабатда бўлиб, жамоанинг, хусусан, кўришда ногиронлиги бўлган кўп минг сонли китобхоналарнинг дуосини олаётгани айтилган. Тахрират томонидан аввал ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ вилоятнинг бир қатор туманларида кўзи оғизлар учун кутубхоналар очиш зарурлиги тўғрисида чиқишлар қилинган ва бу ўзининг ижобий натижасини бергани эътироф этилган.

«Халқ сўзи».

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Мутахассислар фикрича, ҳозирги вақтда Ер юзидagi бир кишига кунига 3 литрдан 790 литргача сув керак бўлар экан. Ривожланган давлатларда кўпинча 550 — 600 литрга етади, тараққий этмаган давлатларда 60 — 150 литр атрофида, қишлоқ жойларда 15 — 25 литрдан иборат. Ер юзидagi 8 миллиардга яқин аҳолининг 1,5 миллиарди тоза ичимлик сувига муҳтож бўлса, 2,3 миллиард киши санитария талабига жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда.

Шу боис халқимиз азалдан тупроқни, сувни, табиати муқаддас санаган. “Бирин кессанг, ўрни эк” деган доно макол ҳам бежиз айтилмаган. Зеро, яшаб турган жойимизни озода сақлаб, она табиатга меҳр ва эътибор берсак, келахак авлод муносиб табиий муҳитда яшайди. Демак, табиатнинг мутаносиблиги тоза ҳаво, сув, биохилмаҳиллик ва инсон саломатлиги ҳар қандай ҳолатда ҳам яшил дунё, яъни “Яшил макон”га боғлиқ.

Яқинда ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Буш вазир лавозимига номзодни кўриб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истикболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури муҳокамасига бағишланган мажлисида Президентимиз томонидан келаси йилнинг “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили”, деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат муҳассас. Зеро, бу орқали она табиатни мусоффо ҳолида сақлаш ва келгуси авлодларга бекаму кўст етказиш мақсад қилинган.

Дарҳақиқат, янги таҳрирдagi Конституциямиз муқаддаси ва бошқа қатор моддаларида мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини ҳозирги ва келахак авлодлар учун асраб-авайлаш, атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга интилиши алоҳида қайд этилган.

Жумладан, Бош қомусимизнинг 49-моддасида ҳар ким қўлай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эгалиги, 62-моддасида фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлиги, 68-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлигини белгилаб қўйилган.

Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада қўқаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлади.

Ана шу ҳуқуқий асосдан келиб чиқиб мамлакатимизда давлат раҳбари ташаббуси билан бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ҳар йили баҳор ва кузда дарахт кўчатлари экиш яхши анъана тусини олди.

Бу орқали юртимизда йилгига 200 миллион туп дарахт ва бута экиб, яшилликни 2030 йилгача 30 фоизга етказиш мақсад қилинган. Маълумотларга кўра 2020 йилда мамлакатимизда яшиллик даражаси 8 фоиз эди, ҳозир 12 фоиз. Орол бўйида яшил қоплама 2 млн. гектардан ошган. 2024 йил баҳорда 138 млн. донга кўчат экилди. Йил бошидан 10 минг гектардан зиёд “яшил белбоғ”, 257 та “вазирлик” ва “ҳокимлик” боғлари яратилди. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида бюджетдан 49 млрд. сўм ажратилиб, маҳаллаларда 215 та боғ барпо қилинди.

Бугунги кунда Юртбошимиз ташаббус кўрсатиб қўқаламзорлаштириш ва обodonлаштиришга бош-қош бўлмоқда. Олдинги йилларда Янги Тошкент, Сергели, Чилонзор туманларида кўчатлар экилган-ди. Бу йил пойтахтимизнинг Бектемир туманида, Тошкент халқа йўли бўйида яшил ҳудудга асос солинди. Бунинг учун 100 гектар ер ажратилган бўлиб, икки йилда жами 100 минг туп дарахт ва бута кўчатлари экилади. Уларни парваришлаш учун 3 та сунъий сув ҳавзаси ва 12 та кудуқ барпо этилди.

Маълумки, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида шаҳарлар яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, хусусан, уларнинг атрофида “яшил белбоғ” яратиш мақсади белгиланган. Халқа йўли бўйидаги бу ҳудуд Тошкент “яшил белбоғ”ининг бир қисми бўлади. Яна бир эътиборли томони шуки, бу ерда табиий ўрмон ҳосил қилинади.

Халқимиз табиатни “она” дейди, ерни ва сувни ўзгача эъзозлайди. Бунинг моҳиятидаги ҳақиқат ҳозирги экологик муаммолар фониди янада яққолроқ намойён бўляпти. Шунинг учун “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда ва келгуси йилнинг номи ҳам айнан шунга боғланди. Бу орқали ушбу эзгу ташаббусларни кенг ёйиш, айниқса,



ёшларимизга чуқур сингдириш ҳам кўзда тутилган.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, дунёнинг аксарият давлатларида дарахтар қонун билан ҳимояланган ва уларни асрайдиган махсус ташкилот ва жамғармалар бор. Лекин бизда йилгига қанча дарахт экилади, қанчаси қуриydi, кесилган дарахтарлар кўпроқ нимага ишлатилаётгани тўғрисида маълумот йўқ. Бугун биз юқорида айтилган муаммоларнинг аксарияти билан юзлашяпмиз. Бундан ҳам ёмон ҳолат юзга келмаслиги учун кўчат экишни кўпайтириш ва парваришига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Кўчат экишни расмийлаштириш аниқанага айлантириб, келахак авлод учун ҳам ҳозирдан яшил қалқон яратиш бизнинг бурчимиздир.

Қувонарлиси, кейинги йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси учун 100 млрд. сўм ажратилади. Бундан буён дарахтарларни 3 йил парваришлаш, касалликдан сақлаш, сугориш харажатлари ҳам инвестиция дастурига киритилиб, сугориш бўйича икки хил тажриба амалга оширилади. Бу жараёнда барчамиз шахсий намуна сифатида дастлаб ўз хонадонимиз ва кўчамизни обод қилишимиз, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига ўз ҳиссамизни қўишимиз зарур.

Фикримизча, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида янги шакланган Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бора-сида кўйидаги вазифаларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, зарур ҳолларда тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш;

Иккинчидан, Оролбўйи ҳудудининг иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитга таҳдид солаётган қўллаб-қувватларни самарали барқарор этишга қаратилган янги, кенг қамровли ёрдам дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;

Учинчидан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида табиий ресурсларни муҳофазалаш ва улардан фойдаланиш, сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш принциплари, сувни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилишга доир ва бошқа қўллаб-қувват-бирларни амалга ошириш;

Тўртинчидан, атмосфера ҳавоси, ер, сув ресурсларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва фойдаланишнинг асосий мақсади ва вазифалари аҳолининг қўлай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш ва қафо-лаштиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш, экологик-гигиеник ва санитария-эпидемиологик талаблар ижросини таъминлаш; **Бешинчидан**, ер, сув, ўрмон, атмосферадан фойдаланиш ва уни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишни рағбатлантириш амалдаги экологик-ҳуқуқий норма-лар асосида тартибга солиш ҳамда ер, сув, ўрмон, атмосфера ресурсларининг табиий экологик хоссасини сақлаш, иф-лосланиши, кимёвий, физикавий ва био-логик хоссалари пасайишининг олдини олиш ва бошқа бир қатор экологик тад-бирларни амалга ошириш.

Қолаверса, ҳозирги иқлим ўзгариши шароитида ер, сув, ўрмон, атмосферадан фойдаланиш ва уни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, улардан оқилона фой-даланиш, экология ва атроф-муҳитга оид қонунчилиқни БМТнинг Барқарор ривож-ланиш мақсадларидан келиб чиқиб Ўзбе-кистоннинг экологик сийсатига мос ра-вишда ривожлантиришни даврининг ўзи талаб этмоқда.

Шу маънода, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган улусвор мақ-садларни рўйбга чиқаришга соҳага оид қонунчилиқни такомиллаштириш орқали кўмаклашиш биз, халқ вакилларининг ус-тувор вазифаларидир.

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ
масалалари ва коррупцияга қарши
курашиш қўмитаси раиси.

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Шу билан бирга, 2026 йил 1 январдан туман (шаҳар)лар бюджетларига мазкур даромад тушумларидан ажратмалар миқдорига келгуси уч йил давомида ўзгартириш киритилмаслиги назарда тутилмоқда. Халқ вакиллари томони-дан мазкур чора-тадбирлар ҳудудлар-даги ижтимоий-иқтисодий муаммо-ларни тезкорлик билан ҳал қилишда муҳим омил бўлиши таъкидланди.

Фракция аъзолари бош молиявий ҳужжат лойиҳаси муҳокамасида айрим фикр-мулоҳазаларини билдириб, қатор тақлифларни илгари сурдилар. Хусусан, лойиҳада экспортчи тадбир-корлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларини бекор қилиш назарда тутилётганига эътибор қаратилиб, бунинг сабаблари сўралди.

Бундан ташқари, Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондига ажратилаётган маблағ миқдори юза-сидан эътироз билдирилиб, Бюджет-номада назарда тутилган маблағ оғир вазиятга тушган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш учун етарли эмаслиги таъкидланди. Айни чоғда фондига ажратилаётган маблағ миқ-дорини қайта кўриб чиқиш тақлифи илгари сурилди.



Кўтарилган масалалар юзасидан қонун ташаббускорларидан атрофли-ча тушунтиришлар олинди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Инсон капиталини ривожлантириш — устувор мақсад

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонун лойиҳа-си қизгин муҳокама қилинди.

Йиғилишда Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг би-ринчи мажлисидаги нутқида бу ма-салага алоҳида тўхталиб ўтгани, янги сайланган депутатлар олдига бир қатор вазифаларни белгилаб берга-ни алоҳида таъкидланди.

Ана шу талаблардан келиб чиқиб, фракция аъзолари бюджет таққили-гини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан оширмаслик, ўрта муддат-да асосий солиқ ставкаларини ўзгар-тирмасдан сақлаб қолиш, бюджет да-ромадлари базасини кенгайтириш, берилган солиқ, божхона имтиёзла-рининг самараси ва берган натижа-сига қараб қайта кўриб чиқиш ва бо-сқичма-босқич бекор қилиш, иш ҳа-қи ва пенсия миқдорларини инфляция-дан кам бўлмаган миқдорда ошириб бoриш билан боғлиқ асосий йўналиш-ларни бирма-бир таҳлил қилдилар.

Фракция аъзолари муҳокамада асосий эътиборни ижтимоий йўна-лишлар — инсон капиталини ривож-лантириш масалаларига қаратди. 2025 йилги бюджет лойиҳасида ҳам бу соҳаларга устувор аҳамият қара-тилгани қўллаб-қувватланди.

Депутатлар таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат ривож, та-рихий обидаларни асраб-авайлаш, туризм, хорижда таълим олаётган ёшларни ҳамда меҳнат билан банд бўлган ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган маб-лағларни янада кўпайтириш зарури-лиги таъкидланди. Бу борада ўз фикр-мулоҳаза ва тақлифларини билди-рдилар. Жумладан, бюджет лойиҳа-сида “Тирик тарих” фильملар туркуми-ни яратиш дастурини амалга ошириш учун ажратилган маблағ миқдорининг қамлиги, бадиий ҳаваскорлик жамоа-ларининг фаолиятини қўллаб-қувват-лаш учун эса мутлақо маблағ кўзда тутилмагани фракция аъзоларининг кескин эътирозига сабаб бўлди.

Қонун ташаббускорлари томони-дан мазкур мақсадларни амалга оши-риш учун қўшимча маблағ ажратиш масаласи қайта кўриб чиқиладиган бўлди.

Шунингдек, фракция аъзолари давлат-хусусий шериклик асосида

фаолият олиб бораётган таълим му-ассасаларига берилаётган солиқ им-тиёзлари ва субсидияларнинг нати-жадорлигига қизиқиб, масъуллардан бу борада изоҳ сўрадилар.

Йиғилишда бюджет ижросини на-зорат қилишни янада кучайтириш, ажратилаётган маблағларнинг мақ-садли ва самарали сарфланишига бўлган масъулиятни кучайтириш ло-зимлиги қайд этилди.

Мунозаралардан сўнг Давлат бюд-жети лойиҳаси фракция аъзолари то-монидан маъқулланди.

Истироҳат боғлари, сайилгоҳ ва хиёбонларни хусусийлаштириш тақикланади

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари му-ҳофазаси кучайтирилишига қаратил-ган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишда дастлаб депутатлар-нинг ушбу масала юзасидан олиб борган ўрганишларига эътибор қаратилди. Маълум қилинганидек,



сўнгги йилларда давлат мулки ҳисоб-ланган умумий фойдаланишдаги боғ-лар, сайилгоҳ, хиёбон ва дарахтзор-лар ҳудудида бино-иншоотларни қуриш амалиёти кенгайиб бораётга-ни кўп йиллик дарахтларнинг кеси-лишига, атроф-муҳит ифлосланиши-га, оқибатда аҳолининг ҳақли норо-зилигига сабаб бўлаётган эди. Исти-роҳат боғлари ерларини маҳаллий ҳокимият захирасига олиш ва кейинчалик бегоналаштириш ама-лиёти кенгайиб бораётгани натижа-сида эса янгидан қайта-қайта ка-дастр ҳужжатини тузиш орқали боғ-лар ҳудуди қисқариб кетаётганди. Қолаверса, бугунги кунда маданий ҳордиқ масканлари ва улар ҳудуд-ларининг ҳуқуқий ҳимояси етарли да-ражада мустаҳкамланмаган. Ҳордиқ масканлари ва улар жойлашган ер-ларни хусусийлаштириш, бундай об-ъектлар ҳудудида бино-иншоот қурилишини тақиқловчи қатъий нор-малар мавжуд эмас эди.

Шу нуктаи назардан, “Адолат” СДП ва Экологик партиянинг қуйи палата-даги фракциялари аъзолари ташаб-буси билан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида маданий ҳордиқ маскан-ларини, уларнинг ерларини ҳамда ушбу ерлардаги бино-иншоотни бе-гоналаштиришни, маданий ҳордиқ

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида “Адолат” СДПнинг истироҳат боғлари, сайилгоҳ, хиёбонларни хусусийлаштиришни тақиқлаш бўйича позицияси қўчлиқнинг кўнглидаги гап бўлганини таъкидлаб ўтганди. Кўп вақт ўтмай, “Адолат” СДП ва Экологик партиянинг қуйи палатадаги фракциялари аъзолари томонидан аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазаси кучайтирилишига қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қуйи палатага киритилди. Ушбу қонун лойиҳаси янги таркибдаги парламентнинг биринчи қонун лойиҳаси бўлди.

масканлари ҳудудини қисқартириш, уларда бино-иншоот қуриш (енгил турдаги объектлар бундан мустасно) ёки мавжуд бино-иншоотнинг қури-лиш ости майдонини кенгайтиришни тақиқлаш назарда тутилмоқда.

Бу турдаги ҳуқуқбузарликларни со-дир этганлик учун жиноий жавоб-батлари, қвас, компот, салқин чой-ларга ҳам газланган ширин ичимлик-лар билан бир хил миқдорда, яъни 1 литр учун 500 сўм миқдорда ак-циз солигини жорий этиш ва бошқа ширинлангирувчи ёки хушбўйлангир-увчи моддалар мавжуд бўлган ичим-ликлар учун пастрок — 1 литри учун 300 сўм миқдорда акциз солиғи бел-гилаш тақлиф этилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, айнан бир турдаги газланган ичим-лиқни ишлаб чиқаришда шакар ёки бошқа ширинлангирувчи модда

штат бирликлари белгиланган талаб-ларга мос эмаслигини таъкидлаб, ушбу масалаларни ҳал қилиш учун етарлича маблағ ажратиш тақли-фини билдирди.

Бундан ташқари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти фаолиятини янада такомиллаштириш, бунда унинг

Бахтиёр АРТИКОВ,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— “2025 йил учун Ўзбекистон Республика-сининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракцияларида, қўмиталарда қизгин ва атрофлича кўриб чи-қилди. Ҳар бир соҳага ажратилаётган маблағ-лар таҳлил этилиб, айрим йўналишларга қўшимча маблағ ажратишга оид тақлифлар ил-гари сурилди.

моддий-техник базасини янгилаш за-руратидан келиб чиқиб, Омбудсман-га қўшимча маблағ ажратиш лозим-лиги қайд этилди.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар ва хотин-қиз-ларни қўллаб-қувватлашга ажрати-лаётган маблағларни мақсадли



сарфлаш бўйича ҳам бир қатор тақ-лифлар илгари сурилди.

Фракция аъзолари кун тартибида-ги масалаларни қўллаб-қувватлади.

Табақалаштирилган акциз солиғи белгиланмаслиги кераклиги илгари сурилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари тақ-дим қилинган 2025 йил учун Давлат бюджетни тўғрисидаги қонун лойиҳа-сида аҳолининг турмуш даражасини ошириш, иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўси-шини таъминлаш, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналиш-лари сифатида акс этаётганига эъти-бор қаратди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳа-сида кам таъминланган оилаларга бо-ларлар нафақалари ва моддий ёрдам-лар тўлаш, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тизим ташкилотлари (болалар ва Меҳрибонлик уйлари, вояга етмаганлар билан ишлаш сек-торлари ҳамда оилавий болалар уй-лари), сув хўжалиги ташкилотларини

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида “Адолат” СДПнинг истироҳат боғлари, сайилгоҳ, хиёбонларни хусусийлаштиришни тақиқлаш бўйича позицияси қўчлиқнинг кўнглидаги гап бўлганини таъкидлаб ўтганди. Кўп вақт ўтмай, “Адолат” СДП ва Экологик партиянинг қуйи палатадаги фракциялари аъзолари томонидан аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазаси кучайтирилишига қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қуйи палатага киритилди. Ушбу қонун лойиҳаси янги таркибдаги парламентнинг биринчи қонун лойиҳаси бўлди.

сақлаш харажатлари республика бюд-жетидан молиялаштириш тартиби ўзгаришсиз қолмоқда.

Бюджетномада аҳоли саломат-лигига ичимликларнинг зарарли таъ-сирини камайтириш мақсадида 2025 йил 1 апрелдан бошлаб, тарки-бида шакар мавжуд бўлган мева шар-батлари, қвас, компот, салқин чой-ларга ҳам газланган ширин ичимлик-лар билан бир хил миқдорда, яъни 1 литр учун 500 сўм миқдорда ак-циз солигини жорий этиш ва бошқа ширинлангирувчи ёки хушбўйлангир-увчи моддалар мавжуд бўлган ичим-ликлар учун пастрок — 1 литри учун 300 сўм миқдорда акциз солиғи бел-гилаш тақлиф этилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, айнан бир турдаги газланган ичим-лиқни ишлаб чиқаришда шакар ёки бошқа ширинлангирувчи модда

қўшилганини аниқлаш амалиётда солиқ маъмурчилигини келтириб чиқаради. Натижада солиқдан қочиш ёки белгиланганидан кўра камроқ солиқ тўлашга интилиш кучаяди. Шундан келиб чиқиб, бундай табақалаштирилган акциз солигини белгилашдан кўра, жо-рий йилдаги ставкани (1 литр учун

Бахтиёр АРТИКОВ,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— “2025 йил учун Ўзбекистон Республика-сининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракцияларида, қўмиталарда қизгин ва атрофлича кўриб чи-қилди. Ҳар бир соҳага ажратилаётган маблағ-лар таҳлил этилиб, айрим йўналишларга қўшимча маблағ ажратишга оид тақлифлар ил-гари сурилди.

500 сўм) сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ.

ХДП фракцияси Давлат бюджетни-да кўзда тутилган ижтимоий харажат-ларнинг аниқ мақсадли бўлиши ус-тидан депутатлик назоратини ўрна-тиш, мазкур йўналишда ижро ҳоқи-мияти билан ҳамкорлиқни изчил йўлга қўйиш лозим, деб ҳисоблайди.

Йиғилишда фракция аъзолари Давлат бюджетни лойиҳаси юзасидан муносабат билдириб, Давлат бюдже-тининг тақсимоти билан боғлиқ са-волларига масъуллардан атрофлича жавоб олди.

«Ботаника боғлари» муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рўйхатиغا киритилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш мас-канлари муҳофазаси кучайтирили-шига қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишда ушбу қонун лойиҳаси “Адолат” СДП ва Экологик партия фракциялари аъзоларининг аҳоли томонидан кўтарилган масалалар бўйича олиб борган ўрганишлари натижаларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилгани ва унда маданий ҳордиқ масканларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланётгани қайд этилди.

Мазкур ҳужжат билан маданий ҳордиқ масканлари ҳудудини қисқартириш, уларда бино-иншоот қуриш (енгил турдаги объектлар бундан мустасно) ёки мавжуд бино-иншоотнинг қурилиш ости майдони-ни кенгайтириш тақиқланмоқда.

Шу билан бирга, “Ботаника боғ-лари” муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рўйхатига киритилди. “Ботаника боғлари” ва уларнинг ер-ларини ҳам бегоналаштириш, улар-нинг ҳудудида бино-иншоотлар қуриш ёки қурилиш ости майдонла-рини кенгайтириш тақиқланмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳа-си маданий ҳордиқ масканлари ва уларнинг ҳудудларини сақлаб қолиш, экология ва атроф-муҳит-нинг яхшиланишига ҳамда мансаб-дор шахсларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилишини қайд этдилар.

Йиғилишда, шунингдек, “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жа-раёнида экология ва атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, биохилма ҳиллиқни асраш, қичкин-диларни йиғиш ва уларни қайта иш-лаш, қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борадаги рақамлар, кўрсаткич-лар таҳлилдан ўтказилди. Депутат-лар томонидан Қорақалпоғистон Республикасида ўрмончилик соҳаси илмий-тажриба станциясини ташкил этиш белгилангани, аммо бюджет лойиҳасида ушбу харажатлар учун ма

БУЮК МАҚСАДЛАР НАТИЖАСИНИ БУГҮН АМАЛДА КЎРЯПМИЗ

Энг афсусланарлиси, сиз айтгандек, геополитик нуқтаи назардан муҳим нуқта — Евро-осийёнинг марказида жойлашган минтақанинг энг йирик ва барча жиҳатдан таъсир кучига эга мамлакат таълим маънода ёпиқ ва дунёдан узилган давлатга айланиб қолди. Миллий давлат ва миллат қурилишининг советча концепциясида қолиб кетишга ундаган ортодоксал майл нафақат ички, балки минтақавий яқдилликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан, бу минтақада этник миллатчиликни “илҳомлантириб”, янги ташкил топган республикаларни бир-биридан бегоналаштиришга хизмат қилди...

Барчамизни муносабатга, мушоҳадага чорлаган ушбу сўхбат-мақолада айнан ушбу саволга тўлиқ ва аниқ жавоб берилгани эътиборга молик. Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг жавоби давомида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган кенг қўламли сиёсатнинг устувор жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Хусусан, собиқ иттифок давридан қолган оғир ижтимоий-сиёсий мерос, минтақадаги геосиёсий вазият ва глобаллашув таъсирида мамлакатнинг мураккаб тараққиёт йўлидан ўтиши, шунингдек, давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган туб ислохотлар ва ҳаётбахш ташаббуслар аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида оқиб берилган.

Ҳа, ўтган йиллар давомида ҳаётимизда жиҳдий ўзгаришлар юз берди. Эътибор берилса, Ўзбекистонни дунё нафақат таниди, ютуқларини тан олди, балки биздан ўрганаётир ҳам. Ватанимиз жаҳон рейтингларида жой олмоқда, жой олгандаям энг юқори ўринларни эгаллаётир.

Шу ўринда бугун кўзимиз кўникиб қолган янгиланишларни мулоҳаза қилар эканмиз, халқимиз узоқ йиллар кутган ўзгаришларнинг ҳаракат марказида турган инсон — Президентимиз ташаббуси хусусида мухтасар тўхталасак. Айтиш мумкинки, бу ташаббуслар Ўзбекистон тарихида миллий ўзлиқни шакллантириш, ижтимоий фаровонликни таъминлаш ва халқро жараёнларда фаол иштирок этишга қаратил-

ган янги босқичнинг бошланиши белгиси эди. Дейлик, йирик саноат объектларининг ишга туширилиши, юз минглаб иш ўринлари яратилгани, шаҳар ва қишлоқларимизда минглаб кўп қаватли уй-жойлар фойдаланишга топширилгани, камбағалликка барҳам берилаётгани, аҳолининг даромадлари муттасил ошадигани, шубҳасиз, катта ютуқ. Ёки мамлакатимизда ёш оилалар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, уларга ва етимларга, ногиронлиги бор фуқароларга уй-жой берилаётгани, фарзанд тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга қўшимча ижтимоий

“...Мақолага юзланамиз: “...Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон тарихида ilk бор БМТ минбаридан туриб, ўзбек тилида нутқ қилди... Мамлакатда диний, сиёсий ва сўз эркинлигига йўл берилди. “Қора рўйхат”лар, энг асосийси, Ўзбекистонни дунёга мустақилликдан кейин ҳам эски замонлардагидек кўрсатиб турадиган пахта яккахокимлиги, мажбурий, айниқса, болалар меҳнатидан воз кечилди. Бутун дунёга овоза бўлган, сиёсий ва диний маҳбуслар сақланадиган Қорақалпоғистоннинг “Борса-келмас”идаги “Жаслиқ” ҳибсхонаси ёпилди...”

ёрдам кўрсатаётгани дунё микёсида олганда ҳам эътиборга молик янгиликдир.

Айниқса, фаолиятининг ilk босқичида Президентимиз ўз сиёсатининг очиклиги ва халқчиллигини намойён этиб, мамлакат ичидаги репрессив тузумга нуқта қўйгани халқимизнинг олқишига сазовор бўлди.

Мақолага юзланамиз: “...Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон тарихида ilk бор БМТ минбаридан туриб, ўзбек тилида нутқ қилди... Мамлакатда диний, сиёсий ва сўз эркинлигига йўл берилди. “Қора рўйхат”лар, энг асосийси, Ўзбекистонни дунёга мустақилликдан кейин ҳам эски замонлардагидек кўрсатиб турадиган пахта яккахокимлиги, мажбурий, айниқса, болалар меҳнатидан воз кечилди. Бутун дунёга овоза бўлган, сиёсий ва диний маҳбуслар сақланадиган Қорақалпоғистоннинг “Борса-келмас”идаги “Жаслиқ” ҳибсхонаси ёпилди...” Шулар ҳақида гапира туриб,

“...жуда сокин ва ортиқча шов-шув-ларсиз амалга оширилган айна ҳаракатларни давлат ва жамиятнинг миллий ўзлиқка бўлган интилиши, колониал ва неоколониал босимлардан қочиш, деб шарҳласак, тўғри бўлади”, дейди сиёсатшунос ушбу фундаментал мулоқотда. Шунингдек, сўхбат давомида Ўзбекистон Марказий Осиёни минтақавий ривожланишнинг асоси сифатида белгилаб, яхши кўшничилик тамойилларини илгари сураётгани чуқур таҳлилий салоҳият ва ҳолислик билан баён этилади.

Дарҳақиқат, XXI асрга келиб давр шиддати ўзгарди, дунё ҳам бугун

катлари, хусусан, Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни кучайтиришдаги жасоратли хизматлари расман эътироф этилмоқда.

Асосийси, Ўзбекистон Президентини иқтидорга келган дастлабки йиллардаёқ ташқи сиёсат соҳасида янги сермазун саҳифалар очилди, қатор хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли алоқалар тикланди. Чегаралардаги суғий тўсиқлар олиб ташлангани мамлакатимиз етакчисининг яхши кўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган янги сиёсати маъно-моҳиятини дунёга намойён этди.

Бу эса, ўз навбатида, нафақат минтақадаги барқарорлиқни таъминлашга, балки Ватанимизнинг халқаро ҳамжамиятда мустақил ва таъсирчан иштирокини кучайтиришга ҳам хизмат қилди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Хуллас, “Ўзбекистондан “Янги Ўзбекистон”гача: йўқотилган қалбни излаб...” сарлавҳаси остидаги ушбу мулоқотда қисқа муддатда юз берган тарихий воқеалик моҳияти чуқур мушоҳада ва ҳаётий мисоллар асосида очиб берилганки, уларни ўқиган кишининг дунёқараши янада бойиши, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларни кучайиши, шубҳасиз. Амалга оширилган бемисл янгиланишлар, халқчил ислохотларни кўриб, халқимизнинг ҳаётдан рози яшаётганини ҳис қилиб, беихтиёр Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар сафига ўтиши учун мустаҳкам пойдевор айнан бугун яратилаётганига ишончи янада мустаҳкамланади. Зотан, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номоздини кўриб чиқишга бағишланган мажлисидаги нутқида таъкидлаганидек, “Келажак авлодлар албатта фахр билан тилга оладиган ана шундай буюқ тарих ва келажакни яратиш бизнинг ўз қўлимизда”.

Бугун Ўзбекистон, унинг кўп миллатли халқи айна шу туйғу, шу ишонч билан яшамокда.

Шохруҳ МАЖИДОВ, Чангу технология институтини Бизнес факультети доценти, халқаро офис координатори.



Ўйлар манзиллигини яқин, мушкуллигини осон қилади. Шу маънода, мамлакатимизда халқаро аҳамиятдаги магистраль автомобиль йўлларини қуриш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Осиё тараққиёт банки иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ҳудудида халқаро аҳамиятдаги А380 “Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” автомобиль йўлида 240 километрни цемент-бетон қопламали янги йўл барпо қилинди.

Юртимиз бўйлаб



Хитой Халқ Республикасининг “CRBC ва CCCC Third Highway Engineering Co. Ltd” қўшма корхонаси халқаро аҳамиятдаги йўл иншоотининг цемент-бетон қопламасини қуриш ишларига бош қўйди ва таъинланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 383,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, қурилиш ишлари 2020 — 2024 йилларда амалга оширилди. Жорий йилда мазкур автомобиль йўлининг 964 — 1204 километрлари оралиғидаги 240 километр йўл қисmini мукамал реконструкция қилиш лойиҳаси яқунлашиб, фойдаланишга топширилди.

— Бу йўлнинг очилиши халқимизнинг кўпдан кутган орзуси эди, — дейди “Нуроний” жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Турсинбой Абдижабборов. — Бу йўл олдин абгор аҳволда бўлган. Жаҳон стандартларига мос, сифатли қуриб битказилган мазкур автомобиль йўли кўп йиллар давомида халқимизнинг узогини яқин, оғирини енгил қилади.

Амалга оширилган лойиҳанинг асосий мақсади халқаро ва давлат микёсидаги автомобиль йўллари халқаро стандартлар ва андозалар талабларига мос равишда юқори даражадаги сифатли ҳолатга келтириш ҳисобланади. Бинобарин, ойнадек теп-текис, раво йўллардан юрган автоуловларнинг чидамлилиги ортиб, техник носозликларга учраш ҳолатлари, йўл-транспорт ҳодисалари, ушбу фалокатлар сабаб фуқаролар, айниқса, болаларнинг ҳалокатга учраши кескин камади.

— Чекка посёлкада истиқомат қилаётган аҳоли вакили сифатида йўл қурилишининг қанчалик муҳимлигини яхши англайман, — дейди ўқитувчи Роза Исфанова. — Қирқ йилдан ошибдики, мана шу ердаги мактабда ўқитувчилик қиламан. Баззан ўқувчиларим йўлларнинг абгорлигидан мактабга келолмас, унинг қачон таъмирланишини сўраганида тайинли жавоб ололмасдик. Негаки, овулда кимдир бетоб бўлиб қолса, шифохонага етказиш, машина қақиртиришини ўзи катта муаммо бўларди. Бу йўлнинг қайта қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани ҳайдовчи ва йўловчилардан ташқари бизнинг овул аҳли учун ҳам катта байрам бўлди.

— Фаолиятимизни 2018 йили чет элдан юк ташувчи автомашиналар харид қилиб, юк ташуш хизматини йўлга қўйиш билан бошлаганмиз, — дейди тадбиркор Давлатназар Саиджонов. — Қисқа муддатда юк автомобиллар сони 5 баробар ошди, ҳозирда 14 та автоуловимиз халқаро юк ташуш хизматини кўрсатиб келмоқда. Илгари автомашиналар “Довуд ота” постидан Нукус шаҳригача 15 соат вақт сарфлаган. Янги йўлнинг фойдаланишга топширилиши билан юкни Нукусга етказиш вақти етти соатга қисқарди. Йўл инфратузилмасининг яхшиланиши билан юк ташуш хизматини кўрсатувчи тадбиркорларнинг салоҳияти янада ошиб, соҳа янада ривожланишига ишончимиз қомил.

Дарҳақиқат, айна йўл инфратузилмасининг яхшиланиши орқасидан Қорақалпоғистонга сармоя киритиш истагида бўлаётган инвесторлар сафи ортиб бормокда. Негаки, А380 автомагистралининг мамлакатимиз шимолий дарвозаси саналган “Довуд ота” постигача бўлган оралиғи янгидадан қурилиб фойдаланишга топширилгани тадбиркорларнинг вақт ва йўл харажатларини қисқартириб, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини оширишга имкон беради.

Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).



СУДЛАР МАҚОМИ, СУДЬЯЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИНГ МУСТАҚИЛИГИ

янгиланган Конституциямизда белгилаб қўйилган

Бугунги кунда жаҳон микёсида глобаллашув жараёни кучайиши ҳар бир давлат олдида, аввало, фуқаролар конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, уларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш орқали уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишни талаб этмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланганидек, “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад — инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда”.

Мушоҳада

Мазкур стратегик вазифани рўёбга чиқаришнинг асосий омилларидан бири — фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш ҳамда уларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш бўлиб, бу ўз навбатида, суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципларга қатъий риоя этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Шу боис янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимиятини ташкил этиш, судларнинг мақоми, судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг мустақиллиги билан боғлиқ ҳуқуқий кафолатларни белгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Бош қомусимизнинг 130-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамияти бошқа орган-институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши, 136-моддасида эса судьялар мустақил эканлиги, фақат қонунга бўйсунishi, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши билан боғлиқ муҳим нормалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, ilk маротаба Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи экани қайд этилиб, унга судьялар корпусини шакллантирувчи, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципларга риоя этилишини таъминловчи конституциявий орган мақоми берилди.

Айтиш лозимки, судлар фаолиятининг судьялар ҳамжамияти томонидан ташкил этилиши, бошқарилиши ва назорат қилиниши суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашининг асосий кафолатларидан ҳисобланади. Зеро, судлар фаолиятини ўзини ўзи бошқариш принципи асосида ташкил этиш суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият органларидан холи, ташқи аралашувсиз фаолият юритишини таъминлайди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижа-сида судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартиби такомиллаштирилди, бунда кенг жамоатчилик фикри ўрганилган ҳолда судьялар ҳамжамияти томонидан судьяларни тайинлаш тартиби жорий этилди, судьяларни етарли ҳаётий тажриба ва юқори малакага эга шахслардан шакллантириш мақсадида қонунчиликда номзодлар учун махсус талаблар ўрнатилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, биринчи марта тайинланадиган судьяликка номзодлар учун бенуқсон обрў-эътибор, ҳалоллик, лаёқатлилиқ, етарли ҳаётий тажрибага эга бўлиш каби талаблар белгиланди. Бу эса номзоднинг олий юридик маълумотга ва камида етти йиллик юридик соҳада иш тажрибасига эга бўлишини ҳамда ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаслигини назарда тутди.

Амалдаги тартибга мувофиқ судьяликка номзодларнинг бенуқсон обрў-эътибори ва ҳалоллиги Судьялар олий

кенгаши томонидан ҳар томонлама ўрганилади. Бунда номзодларнинг аввалги ўқиш ва иш фаолияти, турмуш тарзи синчиклаб ўрганилиб, уларнинг судьялик касбини эгаллашга монелик қилувчи ҳолатлар бор-йўқлиги аниқланади. Номзодларнинг лаёқатлилиги эса уларнинг зарур билимларга ва кенг дунёқарашга эгаллигига қараб баҳоланади. Бунда судьяликка номзодларнинг судьялик касби қўникмаларига эга бўлиши заруриятини инобатга олиб, мамлакатимиз тарихида ilk маротаба судьяликка номзодларни тайёрловчи, судьяларнинг малакасини оширувчи махсус давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси — Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилиши муҳим воқеа бўлди. Бунда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизими тубдан такомиллаштирилиб, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 68-моддасида ilk бор судьялик лавозимига тайинланадиган номзодларнинг Судьялар олий мактабида мажбурий тартибда ўқиши шартлиги белгиланди.

Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши халқаро экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Хусусан, Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича БМТ махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Судьялар олий кенгаши ташкил этилганини, шунингдек, судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашининг янги тартибини жорий этиш бўйича амалга оширилган чораларни мустақил ва ҳолис судлов

тизимини яратиш борасидаги ижобий қадамлар сифатида баҳолаган.

Бугунги кунда Судьялар олий мактабида бўлажак судьяларни танқидий таҳлил асосида иш юритишга ўргатиш, қонунни тўғри қўллаш ва суд мажлисини олиб бориш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш қўникмаларини ривожлантириш, бунда интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига кенг жорий этиш каби муҳим вазифалар устида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, таълим жараёнида эскирган ўқув-усlubий ёндашувдан воз кечилиб, ўқув жараёни билан ҳуқуқни қўллаш амалиёти узвий боғлиқлиги таъминланиб, энг муҳими, тингловчиларнинг қарор қабул қилишда ижодий ёндашуви шаклланишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, касбий билимларни чуқурлаштириш, суд маъмуриятчилигини юритиш қўникмасини эгаллашга, иш ва бошқарушни ташкил этишнинг инновацион шакл ҳамда услубларини ўзлаштиришга қаратилган ёндашувлар эътиборга олиниб мавзулар шакллантирилаётир. Масалан, психологик ҳолатни назорат қилиш қўникмасини шакллантириш учун “Суд психологияси”, “Стресс ва стрессини келтириб чиқарувчи ҳолатларни бошқариш”, “Низоларни иш жараёнида ҳал қилишнинг самарали усуллари”, “Тайм менежмент: иш жараёнини тўғри ва самарали ташкил этиш” каби дарс машғулотлари олиб бориляпти.

Бўлажак судьяларни тайёрлаш бўйича махсус курсларни ташкил этишда қуйдаги услублардан фойдаланилмоқда:

* ўқув курси асосан суд амалиётини чуқур ўрганишга, қонунни тўғри қўллашга йўналтирилган;

* назария ва амалиётни биргаликда уйғун ҳолда олиб бориш

(назарий ва амалий машғулотларнинг алоҳида ўтказиш усулидан воз кечилган) тартиби жорий этилган;

* судьялик қўникмаларини шакллантиришга ёрдам берувчи имитация суд мажлислари мунтазам ўтказиб келинмоқда;

* ўқув машғулотларига малакали ва тажрибали судьялар, суд фахрийлари, тор доирадаги мутахассисларни жалб этиш амалиёти йўлга қўйилган;

* суд амалиётини умумлаштириш ва суд ҳужжатлари шарҳидан кенг фойдаланган ҳолда дарс машғулотлари ташкил қилинмоқда;

* барча номзодлар тажрибали судьяларга бириктирилиб, бир йил давомида ўқув машғулотларидан кейин бевосита судларда ўзларининг амалий қўникмаларини оширмоқда.

Судьялар олий мактабининг беш йиллик фаолияти давомида судьяликка номзодларни тайёрлаш ўқув курсида жами 498 нафар кадр тайёрланди. Улардан хозирги кунга қадар 449 нафари судьялик лавозимларига тайинланган. Бу республика бўйича умумий судьяларнинг 31 фоизини ташкил этади.

Бугунги кунга қадар Судьялар олий мактабида жами 1 536 нафар судья

ва 942 нафар суд ходими ўз малакасини оширган.

Қайд этиш лозимки, айрим судьялар судьялик ваколатларидан ташқари айна вақтда раис ва раис ўринбосари ваколатларини ҳам амалга оширадilar. Суд раислари ва уларнинг ўринбосарлари суд иши бошқарувини шундай ташкил этиши лозимки, натижада суд ишларини кўриш ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, процессуал қонун талабларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги, суд жамоасида ишчанлик муҳити яратилиши зарур. Бунинг учун суд раиси ва унинг ўринбосари амалдаги қонунчиликни, шу жумладан, молия ва меҳнат қонунчилигини, товар-моддий бойликларини тўғри тасарруф этишни, ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни билиши, ишни тўғри ташкил этиши, вақтни ва ҳодимларни бошқариш бўйича қўникмаларга эга бўлиши айна муддаодир.

Судьялар олий мактаби томонидан тингловчилар учун қонунчиликдаги янгилликларнинг мазмун-моҳиятини етказиш, қонун нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир қўникма ҳамда қобилиятларни такомиллаштириш мақсадида мунтазам равишда қисқа муддатли ўқув машғулотларини сайёр ва онлайн шаклда ташкил қилиш тартиби йўлга қўйилган. Ўтган даврда 100 дан ортиқ қисқа муддатли ўқув машғулотлари бевосита судларда ўтказилди.

Судьяликка номзодларни тайёрлашнинг халқаро стандартга асосланган бутунлай янги тизими жорий қилингани ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Дилшод ОРИПОВ, Судьялар олий мактаби директори маслаҳатчиси.

«Қишда қушларга кўмак»

Пойтахтимиздаги 129-мактабда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази ҳамда Учтепа тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбир ана шундай номланди.



Табиат ва биз

Ёшларда экологик маданият, табиатга меҳр, жониворларга ғамхўрлик кўникмаларини шакллантириш, атроф-

муҳитни асрашга бўлган масъулиятни оширишга қаратилган ушбу тадбир доирасида мактабнинг 1 — 7-синф

ўқувчилари ўртасида чиқиндилардан қуш уяларини ясаш бўйича ижодий танлов ҳам ўтказилди.

Танлов давомида болалар томонидан жами 100 та қуш уяси тайёрланди. Яқинда энг яхши иштирокчилар муносиб тақдирланди. Эътиборлиси, бу акция энг кўп қуш ини ясалган тадбирга айланди.

Маълумот учун, бундай акциялар Экология вазирлиги томонидан 3 февраль — Халқаро қушларни озиқлантириш кунига бағишлаб доимий тарзда ташкил этиб келинмоқда.

«Халқ сўзи».



ВАЪДАЛАР ҚЎША-ҚЎША, ВАЗИЯТ ЎША-ЎША...

ёки Паркент туманидаги Самаробод қишлоғида мактаб учун асраб келинаётган 2 гектар ерда нега 30 йилдан буён қурилиш бошланмаяпти?

Хар бир ота-она ўз фарзандини билимли, маърифатли ва юрт тақдирига дахлдор инсонлар бўлиб камолга етишини орзу қилади. Кўрам ва замонавий мактабларда, энг сўнгги русумдаги компьютер синфхоналарида таҳсил олиб, янги Ўзбекистон учун малакали кадрлар бўлиб улғайишини исташади. Бундай саъй-ҳаракатларни Паркент туманидаги “Самаробод” маҳалла фуқаролар йиғини аҳли мисолида ҳам кузатиш мумкин. Улар 1994 йилда аҳолига томорқа учун ер ажратилаётганда 2 гектарини мактаб қурилиши учун қолдиришган эди. Шундан буён ҳеч ким бу ерда иморат ёки бошқа бир ҳўжалик субъекти қуришга жазм эта олмайди. Чунки одамлар мазкур ер мактабга ажратилганини яхши билишади. Қачонлардир муҳташам илм маскани барпо этилишидан умидвор.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ота-оналарнинг кўзлари йўлда

Бу жой бўш турмаслиги учун қўшни қишлоқдаги 10-мактабга тажриба участкаси сифатида фойдаланишга рухсат этилган. Тажриба участкаси узумзорга айлантирилган. Хар йили 5 тоннадан зиёд ҳосил олинмоқда.

Ернинг бўш турмагани яхши, аммо самарободлик ўқувчилар 3-4 километр йўл босиб, қўшни қишлоқдаги 43-мактабга қатнашаётгани ташвишли. Йўл жуда серқатнов. Гарчи йўл бошида светофор ўрнатилган бўлса-да, ўқувчилар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари тез-тез содир бўлмоқда. Бундан ота-оналарнинг хавотири янада ортган. Боз устига 43-мактаб илгари боғча бўлган, яъни мослаштирилган бинода жойлашган. Спорт зали ва ўқув-лаборатория хоналари мавжуд эмас. Дарс икки сменада ташкил этилган — бошланғич синф ўқувчилари кўннинг иккинчи ярмида мактабга боришади. Қўшнинг совуқ кунларида 1-синф ўқувчиларининг шунча йўл босиб, мактабга қатнашини тасаввур қилиб кўринг.

— Фарзандларимиз кўз ўнгимизда, ўзимизнинг мактабда ўқиса қандай яхши, — дейди самарободлик Бахтиёр Ҳусанов. — Аммо афсуски, ҳудудимизда мактабга жой бору, иморат йўқ. Болаларимизнинг серқатнов катта трассада ўтиб, қўшни қишлоқдаги мактабда таҳсил олаётгани ноқулайлик туғдиради. Алоҳида айтишим жоизки, аҳоли 2 гектар ерни мактаб қурилиши учун 30 йилдан буён кўз қорачигидек асраб-авайлаб келмоқда. Туман раҳбарлигига шу ерда мактаб қуриш учун узок йиллардан буён мурожаат қиламиз. 2016 йилда “Мактаб қурилар эмиш”, деган гап-сўзлар пайдо бўлди, лекин иш бошланмади. 2018 ва 2020 йилларда ҳам қурилиш инвестиция дастурига кирмай қолди. Нихоят, 2022 йилда мутасаддилар “Қурилиш бошланади”, деб ваъдани катта беришган эди. Кейин 2023 йилда пойдевор ташланишини айтишди. Аммо мана, 2024 йил охиригача ҳамки, ваъда ваъдалигича қолиб кетмоқда. Мақсадимиз — ўзимизда давлатимиз раҳбари томонидан мактаб қурган тадбиркорларга катта имтиёзлар берилди. Бу кўнглимизга чироқ ёққандай бўлди. Аммо ҳамон амалий ҳаракат бошлангани йўқ.

Икки йилда 9 та фалокат...

Дарҳақиқат, ота-оналар хавотири бежиз эмас. Катта трассада болалар билан

боғлиқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлаётгани ачинарлидир. Бу ҳақда “Самаробод” МФЙ раиси Мирсобиет Жамолов фикрлари билан қизиқдик.

— Икки ой ичида ўқувчилар билан боғлиқ 4 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди, — дейди у. — Масалан, айни пайтда 12 ёшли ўқувчининг қўл-оёғи гипсда. Охирги аварияда эса 11 ёшли ўқувчи жароҳат олиб, шифохонада оғир аҳволда ётибди. Икки йил давомида 9 та авария бўлди, шундан 4 бола оғир жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолди. Бу ҳақда биз туман ва вилоят раҳбарлигига ёзма равишда маълум қилдик.

Ҳисоб-китобларга кўра, қўшни Наврўз қишлоғидаги 43-мактабга 360 нафар ўқувчи қатнаб ўқияпти. Бундан ташқари, 10-мактабда — 150, 9-мактабда — 40, 4-мактабда — 29, 5-мактабда — 37 ва 1-мактабда 10 нафар маҳалламиз болалари йўл танобини тортиб, таҳсил олмақда. Шунинг учун ҳам аҳоли маҳалламизда мактаб қурилишини тезлаштиришни сўрашаётир. Агар илмни, маърифатни қадрлайдиган саховатли тадбиркор топилди, бу хайрли ишга қўл урса, элнинг дуосини оларди.

Энди киш-кировли кўнларни бир кўз олдингизга келтиринг. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг шунча йўл босиб, мактабга бориши... Бунинг устига Сўқоқ қишлоғидаги дам олиш зоналарига борувчиларнинг кўплиги туфайли йўл жуда серқатнов. Ёш болалар эса йўлнинг турли қисмини кесиб ўтишига тўғри келяпти.

— Икки нафар фарзандим — Шоҳсанам ва Шамсиддин серқатнов йўлдан ўтиб, қўшни маҳалладаги 43-мактабда ўқийди, — дейди самарободлик Феруза Дадаматова. — Болаларимни ўзим катта йўлдан ўтказиб қўяман. Бир кун бора олмаган эдим, кичик ўғлим Шамсиддин фалокатга учради. Шундан буён кўзи хира кўрадиган бўлиб қолди. Боқувчисини йўқотган оила бўлганимиз учун ўғлимни давлатлиш оғирлик қилмоқда. Агар қишлоғимизда мактаб қурилса, кўнглимиз хотиржам бўларди.

Спортга қизиқувчилар кўп, бироқ шароит йўқ

Машхур “Суюнчи” фильми қаҳрамони Шермат оилавий футбол жамоаси тузмоқчи бўлиб, не-не маломатларга қолганини томошабинлар яхши эслашади. Хар гал ўйин пайтида хонадонлардан бирининг деразасининг ойнасини синдиргани эса

маҳаллада дуруст стадион йўқлигидан далолат беради. Қарангки, Самаробод маҳалласида ҳам худди шундай ҳолат. Болалар асфальт йўл ўртасида иккита тошни дарвоза қилиб қўйиб, футбол ўйнашади. Қишлоқ ёшларида спортга қизиқиш кучли. Айниқса, улар мамлакатимиз боксчиларининг Париж Олимпиадасидаги улкан галабаларига ҳавас билан қарашади. Баҳодир Жалолов, Ҳасанбой Дўсмаатов каби Олимпиада чемпиони бўлишни орзу қилишади. Орузга айб йўқ, аммо қишлоқда бокс билан шуғулланиш учун имконият ҳам йўқ-да. Аммо на бино, на шароит бўлмаса-да, спортда муваффақият қозонган 28 нафар ёш бор.

— Агар ҳудудимизда мактаб қурилганда, спортзал ҳам, футбол майдони ҳам бўларди, — дея фикрини давом эттиради самарободлик кураш бўйича халқаро

— **Фарзандларимиз кўз ўнгимизда, ўзимизнинг мактабда ўқиса қандай яхши, — дейди самарободлик Бахтиёр Ҳусанов. — Аммо афсуски, ҳудудимизда мактабга жой бору, иморат йўқ. Болаларимизнинг серқатнов катта трассада ўтиб, қўшни қишлоқдаги мактабда таҳсил олаётгани ноқулайлик туғдиради. Алоҳида айтишим жоизки, аҳоли 2 гектар ерни мактаб қурилиши учун 30 йилдан буён кўз қорачигидек асраб-авайлаб келмоқда.**

мусобақалар совриндори Ихтиёр Азимбоев. — Бу ерда спортни жон дилидан севадиган ёшларнинг кўплигидан қувонсам, уларнинг дуч келган жойда футбол ўйнаётганига ачинаиб кетаман. Ота-оналарнинг тақлифи асосида укаларим билан қишлоқда спортзал қуришга киришганимнинг сабаби ҳам шунда. Ҳозирга қадар 80 фоиз ишни уддаладик. Насиб этса, болалар учун эни 21, бўйи 34 метр бўлган спортзални фойдаланишга топширамиз. Давлатимиз раҳбарининг мактаб қурган тадбиркорларга бераётган имтиёзларини эшитган маҳалламиз аҳли яна умид кўзини тикиб турибди. Боиси 2018 йилда Самарободда тадбиркор мактаб қурмоқчи бўлиб, ҳаракат бошлаган

эди. Аммо унга рухсат берилмади. Шундан сўнг самарободликларнинг орзулари яна рўёбга чиқмай қолиб кетди. Мана бугун, тадбиркорларга мактаб қуриш учун кенг йўл очилди. Бу имтиёз миллат болаларини илмни, маърифатли бўлишига хизмат қилади. Илм йўлида сарфланган сармоя эса энг савобли ишдир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 сентябрда ўқитувчи ва мураббийлар кўни арафасида соҳа вакиллари билан таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказган мулоқотида ҳам бу хусусда фикрлар билдирилди. Аҳоли ўсиш даражаси юқорилиги туфайли йиллиги мактабларда 120 мингта, боғчаларда 30 мингта қўшимча ўринга талаб юзага келаётгани айтилди. Шунингдек, келгуси йили бюджетдан ажратиладиган 3 трлн. 200 млрд. сўм ҳисобидан 375 та мактаб ва 97 та боғча реконструкция қилиниши ҳамда янгилари барпо этилиши маълум қилинди. Демак, ота-оналар мурожаати бўйича Самаробод қишлоғида ҳам 2025 йилда мактаб қуриш учун имконият бор.

— Биз Самаробод қишлоғида мактаб қуришни 2025 йил инвестиция дастурига киритиш тақлифини берганмиз, — дейди Паркент тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Набижон Юнусов. — Ўзи туманимизнинг Самаробод, Яшнобод, Истикбол ва Қизилсой ҳудудларида янги мактаб қуришга эҳтиёж мавжуд. Ҳозир Қизилсойда 2 коэффицентга яқинлашиб қолган мактабимиз бор. Биринчи навбатда ўша ҳудудга қурилиш керак. Агар инвестиция дастурига ҳаммаси кирса, тўртала мактабни ҳам бир йилда қуриб берамиз. Асосийси, Самаробод маҳалласида мактабга ажратилган ер бор. Бошқа жойларда эса янги таълим муассасаси қуриш учун жой масаласи муаммо бўлиб турибди.

Ота-оналар Самарободга қўшни маҳалладаги 43-мактаб илгари боғча бўлгани, спортзал ва ўқув-лаборатория жиҳозлари мавжуд эмаслиги ҳақида айтишяпти. Бу мактаб ҳам инвестиция дастурига киритилиб, бир қатор ишлар бажарилган. Тўғри, спорт зали йўқ, лекин туманда шу та у мактаб эмас, 9 та мактабда бута аҳвол. Бу бўйича ҳам ҳозир иш олиб бориляпти. Албатта, ота-оналар кўтарган масалаларни имкон қадар тезроқ ҳал этишга ҳаракат қиламиз.

Н. Юнусов айтганидек, бу йил Самаробод қишлоғида мактаб қурилса, одамларнинг 30 йиллик орзуси рўёбга чиқади. Аммо кўнгилга ҳадик оралайди: бу шунча йил кутиб, тоқати тоқ бўлган аҳоли учун берилган навбатдаги ваъда эмасми-кан? Айтинг-айтинг, бу гал ҳам одамлар бармоқ тишлаб, “ваъдалар қўша-қўша, вазият ўша-ўша” деб қолишмасин! Зотан, жадид болаларнинг “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”, деган оташин давлатини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Тошкент нуфузли кинофестивалга мезбонлик қилади

29 ноябрь — 1 декабрь кунлари Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида IX Европа кинофестивали бўлиб ўтади.



Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси томонидан ҳамда маҳаллий ташкилотлар кўмағида ташкил қилинадиган ушбу кинофестивалда Европа яқдрилигини ифодаловчи турли жанрдаги фильмлар намойиш этилади.

Маълумотларга кўра, ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг 30 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган ушбу кинотаджимот дастуридан Австрия, Болгария, Швеция, Финляндия, Германия, Словения каби мамлакатларнинг сара асарлари ўрин олган.

«Яшил станция»нинг фойдали жиҳатлари

Муборак иссиқлик электр марказининг 1 гектар ер майдонида қуввати 1,2 мегаваттга тенг қуёш фотоэлектр станцияси ишламоқда.



Мазкур “яшил станция” жорий йилнинг январь — октябрь ойларида 1,02 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлади. Бу эса 5 093 та хонадонни бир ой давомида таъминлашга етарлиган электр энергияга тенгдир.

Шунингдек, ушбу “яшил энергия” ишлаши натижа-сида худди шу даврда 137,7 минг кубометр табиий газ тежалди. Корхонада ўз эҳтиёжлари учун олтига қуёш сув иситиш қурилмалари фаолият қуритиши натижасида 109,6 Гкал иссиқлик энергияси ҳамда 18,3 минг кубометр табиий газ тежалишига эришилган.

Кўргазмадан — шартномага

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси бўлиб ўтди.



Икки кун давом этган ушбу тадбирда мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналари, уларнинг маҳаллий ва чет эллик ҳамкорлари, шунингдек, хусусий ишлаб чиқарувчилардан иборат юздан ортиқ субъектлар томонидан мингдан зиёд махсулотлар кўргазмаси тақдим этилди.

Ярмарка тадбиркорлар ўртасида узок муддатли ҳамкорлик ва саноат кооперацияси йўлга қўйилиши, ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда истеъмолчи субъектлар ўртасида ўзаро келишув битимлари, шартномалар тузиш учун қулай имконият яратди.

Тадбир доирасида “Kashkadarya investment — 2024” халқаро бизнес форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда соҳалар бўйича тақдимотлар ўтказилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, журналист Зарифжон Мирзақулловга онаси **Мелихол ая ҚОСИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

25 ноябрдан бошлаб Тошкентда «Зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракат» глобал кампанияси бошланди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСА:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни етказиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.20 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6